

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



БЕТАКРОРИМсан, ЯГОНАсан, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада мутасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мадани кучайтириш мақсадида:

1. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,1 баравар оширилсин.

2. 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 130 240 сўм;
ёшга доир пенсиялар – ойига 254 730 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 254 730 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 156 310 сўм миқдоридан белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2015 йилнинг 1 сентябридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет му-

ассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблаглари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 21 ноябрдаги ПФ-4672-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2015 йилнинг 1 сентябридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2015 йил 26 август.



ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ИНЪИКОСИ

"Кексаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, қадрлаш ва эъзозлаш барчамиз учун, аввало, ҳукумат ва ҳокимият раҳбарлари учун ҳам фарз, ҳам қарз". Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган бу эзгу фазилат истиклол йилларида ўзгача мазмун-моҳият касб этди. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган барча эзгу амаллар мамлакатимизда инсон омили, унинг манфаатлари устуворлигининг исботидир. Хали

дунё юзини кўрмаган гўдакдан тортиб, 100 ёшдан ошган мўтабар кексаларгача эътибор ва рағбат кўрсатиладиган элнинг толеи баланд, келажаги порлоқ бўлиши айни ҳақиқат. Зеро, 24 йил давомида кўрган, кузатганларимиз шундай дейишга изн беради. Айниқса, истиклол шарофати билан умрбоқийлик неъматидан баҳраманд кексаларимиз йилдан-йилга кўпайиб бораётгани (Давоми 2-бетда).

Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил 26 августдаги "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий кудратини

ни юксалтириш, ёш авлодди она юртга муҳаббат, истиклол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, фидокорона меҳнати, ватанпарварлиги ва ижтимоий ҳаётдаги фаллиги билан эл-юрт иззат-ҳурматида сазовор бўлган юртдошларимизнинг бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар бор:

"Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
саноат ходими"

Разикулов Абдусамат Абдуганиевич – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи смена устаси

"Эл-юрт хурмати" ордени билан
Ибрагимова Фарида – Чиноз туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактаби директори

"Фидокорона хизматлари учун"
ордени билан
Турдиев Таир Адилевич – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг "Ўзбекистон" локомотив депоси электровоз машинисти

"Меҳнат шuhrати"
ордени билан
Мирджалалов Анвар Илясович – "Ўзбекэнерго" акциядорлик компаниясининг "4-монтаж бошқармаси" акциядорлик жамияти бош муҳандиси

"Дўстлик" ордени билан
Атомонов Ускенбай – Юқори Чирчиқ тумани ҳокими

Ким Леонид Владимирович – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг "Қалмоқир" кон бошқармаси экскаватор машинисти

"Шухрат" медали билан
(100 ёшдан ошганлар)
Бердалиев Анарбай – Оҳангарон тумани

"Жасорат" медали билан
Мирзабобоев Шокир Хурсандович – Паркент туманидаги пойбоз таъмирлаш устаси

"Шухрат" медали билан
Абдижапаров Аткам Уринбаевич – "Оҳангаронцемент" акциядорлик жамиятининг клинкер қуйдириш бўлимининг айланма печь машинисти

Алимов Шерали Мирзасандович – "Ўзбекистон қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металллар комбинати" акциядорлик жамияти цех бошлиғи

Ғаниева Ойниса – Юқори Чирчиқ туманидаги "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Имамов Шерали Мирзасандович – "Аммофос-Максам" акциядорлик жамияти цех аппаратчиси

Қабулов Абдухамид Абдулаевич – "Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси" акциядорлик жамиятининг 2-қозон турбина цехи катта машинисти

Қасимов Шухрат Юлдашевич – "Ўзбеккумир" акциядорлик жамия-

тининг "Ер ости ишлари" филиали лаҳимчиси

Маякубов Хусан Каримович – "Ўзнефгазмаш" акциядорлик компаниясининг "Ўзбеккимёаш заводи" акциядорлик жамияти техник назорат бўлими бошлиғи

Насибалиев Баҳром Юлдашев мович – "Ўзбеккумир" акциядорлик жамиятининг "Белазкумир" филиали "БелАЗ" хайдовчиси

Пардаева Зубайда Мусаевна – Ўрта Чирчиқ туманидаги "Пилла" шўба корхонаси агрономи

Саликулова Рано Исмаиловна – Олмалиқ шаҳридаги "Отабек" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси

Сиражидинов Шухрат Шеркузиевич – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг электрда пўлат эритиш цехи пўлат эритувчиси

Туляганов Бахриддин Нишанбаевич – "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг мис эритиш заводи цех бошлиғи

Ходжиматов Толиб Абиджанович – "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик жамиятининг 2-навли прокат цехи бошлиғи ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар ва давлатда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, мамлакат Куролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини

оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун ватандошларимиздан бир гуруҳи фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди. Улар орасида вилоятимиздан қуйидагилар мукофотланди:

"Мардлик" ордени билан
Эркинов Доғиер Эркинович – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазибаларини бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

"Жасорат" медали билан
Бойхуджаев Гайрат Хуснидино-

вич – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиғи

"Шухрат" медали билан
Маликов Хаким Каримович – Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани суди раиси

Хасанова Мамура Урмановна – Тошкент вилояти Оҳангарон тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

Эрматов Эркинбай Каршибаевич – Суд ижрочиларининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар бўлими бошлиғи

Эътироф

Ҳинд олими:

«МАҲАЛЛА ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИНИНГ АСОСИ ҲИСОБЛАНАДИ»

Жавоҳарлал Неру номидаги университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби ҳузуридаги Россия ва Марказий Осиёни ўрганиш дастури директори Аджай Кумар Патнаик (Ҳиндистон) Тошкентда бўлиб ўтган "Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш: Ўзбекистон

тажрибаси ва хорижий амалиёт" мавзуга бағишланган халқаро давра суҳбати ишида хорижий эксперт сифатида қатнашган эди. У яқинда "Жаҳон" ахборот агентлиги муҳбири билан Деҳлида бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги муваффақиятлари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

– Мен Франция, Италия, Германия, Бельгия, Туркия ва бошқа давлатлар экспертлари иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган халқаро давра суҳбатида қатнашганимдан мамнунман.

Шуни қайд этишим лозимки, биз Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан яқин ҳамкорлик қилиб келамиз. Ўтган йиллар давомида биргаликда мамлакатларимизда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга бағишланган қатор давра суҳбатларини ўтказдик.

(Давоми 2-бетда).

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги байрами арафасида Бекобод шаҳридаги фойдаланилмаётган тўрт қаватли бинони "Зафар қурилиш инвест" МЧЖ реконструкция қилгач, биринчи қаватига Халқ банки филиалининг кўчиб келгани аҳолига муносиб байрам совғаси бўлди.



– Банк шинам, ёруғ, барча қулайликларга эга, – дейди мижоз Вазира Тожибоева. – Ходимлар хушмуомала, барча талаб-истакларимизни вақтида бажаришади. Мен 5 йилдан бери яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланаман. Банкдан ҳеч қандай қийинчиликсиз уч йилдан бери кредит олаётман. Ишларимни йўлга қўйиб олдим. Биз тадбиркорларга бундай қулайликлар яратиб бераётган давлатимизга раҳмат!

Банк мижозларга хизмат кўрсатиш билан бир қаторда бўлажак тадбиркорларга ҳам кредит ажратаяпти. Жумладан, бу йил коллежни тугатиб, тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга 70 миллион сўм имтиёзли кредит берилди.

Банкнинг юқори қаватларидаги 30 та хонани ёш оилаларга бериш мўлжалланган. Энди ёшлар банкнинг кредити эвазига уй-жойли бўлишади.

Нозима АРСЛОНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири,
Даврон АХМАД олган сурат.

КЕКСАЛАР РОҲАТ-ФАРОҒАТДА

Паркент туманидаги 29-Болалар мусиқа ва санъат мактабида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида бир гуруҳ ёлғиз, ногирон ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар учун байрам тадбири уюштирилди.

Президентимизнинг "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсияерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимлиги, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли адабиёт ва санъат намояндаси, нуруний отахон онахонлар ҳамда оммавий ахборот



воситалари ходимлари иштирок этди. Вилоят ҳокимлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди виллоят ҳудудий муассасаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кексаларга алоҳида эътибор

қаратилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, улар учун муносиб турмуш шароитлари яратилиб, маълалла тиббий хизмат кўрсатилаётгани таъкидланди.

– Биз кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва

ғамхўрликдан чексиз миннатдоримиз, – деди Намданак қишлоғидаги 70 ёшли Турсуноя ая Омонова. – Кексайганимда тинч, хотиржам, роҳат-фароғатда яшашнинг гаши бўлак экан. Бизларга шундай бахтни инъ-

ом этган Истиқлолимиз абадий, тинчлигимиз барқарор бўлсин!

Тадбир иштирокчиларига ҳомийларнинг эсдалик совгалари топширилди. Шунингдек, "Қорақалпоқ" ва "Заркент" ҚВПларига аҳоли, айниқса, кексаларимизга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фондининг "Дамас" русумли тез тиббий ёрдам автомобиллари топширилди.

Хушовоз санъаткорларнинг Ватан, истиқлол ва ёшлиқни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари барчага кўтаринки кайфият улашди.

Тадбирда виллоят ҳоки-

ми ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Ғафуровна иштирок этди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Инсонпарварлик тамойиллари устувор давлатимиз сиёсати ҳар кунимизни шодликларга, қувончларга ошно этмоқда. Одамларга яхшилик қилиб, кўнгилларини обод эттишдек савоб ишларни асосий вазифаси, бурчи деб биладиган виллоят касба уюшмалари ташкилот-

лари бирлашмаси кенгаши энг улуг, энг азиз байрам – Мустақиллигининг 24 йиллиги олдида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида яна бир тадбир уюштириб, "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" дея номлади.

ТҲЙ ОЛДИДАН ТҲЁНАЛАР...

Тадбирга виллоятимиз корхона, ташкилот ва муассасаларида фаол меҳнат қилаётган фахрийлар, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, имконияти чекланган, эътиборга муҳтожлар, олий ўқув юртлари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг аълочи, жамоатчи талабалари, ўқувчилари таклиф этилди.

213 фахрийга рўзгор ва ошхона электр жиҳозлари, 6 нафарига соғлиқларини тиклашлари учун бепул имтиёзли йўлланмалар, 21 нафар иқтидорли талабаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 6 баробари миқдориди пул муқофотлари, Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари тизимиди хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган 32 ҳар-

бий хизматчи ва ички ишлар идоралари ходимлари оилаларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Таниқли санъаткорлар, истеъдодли хонандалар иштирокидаги байрам концерти, самимий тилаклар қатнашчиларга кўтаринки руҳ, байрамона кайфият улашди.

– "Яхши сўз жон озиғи" дейишади. Бугунги байрам тадбири кўнгилларини тоғдек кўтарди, – деди зангиоталик Ҳимоят Салимова. – Мен аввало, Кексаларни ёзозлаш йилида бизнинг кадр-қимматимизни янада оширган Юртбошимизга, қолаверса, бугунги байрам ташкилотчиларига чин дилдан раҳмат айтиб, "дунё турғучи туринлар" дея дуо қиламан. Илоҳим озод журтимизга,

тинч-тотув, фаровон ҳаётимизга кўз тегмасин...

– Хурматли Президентимизнинг энг улуг, энг азиз байрам – Мустақиллигининг 24 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳақидаги кўрсатмалари асосида бугунги тадбирни уюштириб, ўзимиз ҳам фахр, эфтихор туйғуларини ҳис этдик, – деди кенгаш раиси Гўзал Тўхтаева. – Юртбошимизнинг "Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак" деган сўзлари биз учун ҳар бир ишимизда дастуриламал бўлмоқда.

Тадбир якунида намоийш этилган "Қиримиз олма" спектакли байрам қатнашчиларига янада кўтаринки кайфият бахш этди.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Оқовул" кишлоқ врачлик пунктида замонавий тиббий анжомларни шифокорларнинг оғирини енгли қилаётган бўлса, беморларга қулайлик яратмоқда.

ШИФОКОРГА ҲАМ, БЕМОРГА ҲАМ ҚУЛАЙ



ларнинг олдини олиш, фарзанд тарбияси каби қатор мавзуларда суҳбатлар ўтказишади.

Душанба – "Нурунийлар кунини" да кексалар саломатлиги текширувдан ўтказилса, сешанба – "Ҳомилдорлар кунини" да бўлажак оналар уйига бориб, яшаш шароитлари кўздан кечирилади, қайноналар билан суҳбатлар ўтказилади. Ҳафтанинг қолган кунлари ҳам белгиланган вазифалар шу тарзда амалга оширилади. Касаллик аниқланса, уларни даволаш чора-тадбирлари кўрилади. ҚВПда ташкил этилган 4 ўринли кундузги даволаш бўлимида аҳоли муолажалар олиш имкониятига эга.

Беморлар дори-дармон олиш учун дориҳона излаб юришларига ҳам хожат йўқ. Бу ерда очилган 7-дориҳона филиалида керакли дори-дармонлар барчаси бор. Агар бемор излаган дори топилмаса, ходимлар уни тезда келтириб беришга ҳаракат қилишади.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
Мансур НАХАЛОВ
олган сурат.

Иқтисодиёт

«ТҲҲТАНИЁЗ ОТА»НИНГ ЯНГИ ЦЕХИ

Мамлакатимизда энг улуг, энг азиз байрамимизни ҳамиша кўтаринки руҳда, улкан ютуқлар ва албатта, муносиб тўхфалар билан қарши олиш эзгу анъанага айланган. Ушбу анъанини давом эттирган ҳолда, "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида Ватанимиз Мустақиллигининг 24 йиллиги кенг тан-

тана қилинаётган шу кунларда виллоятимизнинг турли ҳудудларида янги иншоотлар қуриб фойдаланишга топширилмоқда. Эътиборлиси, санаот, маиший хизмат, савдо ва бошқа янги мажмуаларнинг иш бошлаши натижасида аҳолига қатор қулайликлар яратилиши баробарида, янги иш ўринлари очилаётди.

Германия ва Польша давлатлари етакчи фирмаларининг замонавий ускуналари ўрнатилди. Кунига 10 тонна гўштни қайта ишлаш қувватига эга бўлган цехнинг иш бошлаши натижасида қўшимча 40 та янги иш ўрни яратилди.

– Янги цехда ривожланган давлатлардагидан қолшимайдиган шароит ва қулайликлар мавжуд, – дейди тайёрлов цехи ишчиси Ҳасан Жонибеков. – Компьютерлашган замо-

навий дастгоҳлар ишмизни янада осон қилапти.

Ҳозир бу ерда 120 ишчи ва хизматчи тайёрлаётган 100 дан ортиқ хилдаги колбаса маҳсулотлари ҳўжаликнинг пойтахтидаги қатор дўконларида ва дилерлар орқали сотувга чиқарилмоқда.

Тадбирда виллоят ҳокими ўринбосари А. Абдуқодиров иштирок этди.

Аваз ИСРОИЛОВ,
Даврон АҲМАД
олган сурат.



Минг шукри, мустақиллик йилларида давлатимизнинг оқилона сиёсати тўғрисида юртимизда тинчлик барқарор. Ушбу осойишта ва фаровон ҳаётимизни асраш эса ўз қўлимизда. Биз мактабимизнинг 1236 ўқувчиси билан доимо шу мавзуда суҳбатлар, учрашувлар ўтказамиз, ўз

Ҳинд олими:

«МАҲАЛЛА ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИНИНГ АСОСИ ҲИСОБЛАНАДИ»

Менинг фикримча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришидаги ноёб институт – маҳалла Ўзбекистонда фуқаролик институтларининг асоси ҳисобланади. У жамиятимизда демократиянинг гуллаб-яшнашида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 8240 та нодавлатноҳукумат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатда Конституция асосида энг замонавий демократик талаблар ва халқаро стандартларга жавоб берадиган 200 дан зиёд қонунчилик ҳужжатларидан иборат бўлган нодавлатноҳукумат таш-

Давоми. Боши 1-бетда.

килотлари фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилган.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий ҳимояси ва молиялаштирилиши таъминлашнинг юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар ҳам юқори баҳога лойиқдир. Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда давлат ва жамият ривожланишининг "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" тамойиллини амалга ошириш борасида кенг қўлламоли ишлар бажарилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

"Жаҳон" АА.

Огоҳлик

ТИНЧЛИКНИ АСРАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари орқали чет давлатларда бўлаётган ҳунрезликлар, қонли тўқнашувлар ҳақидаги ахборотлар билан тани-

ш, юрагимиз ларзага келади. Чунки нијати бузуқ кимсаларнинг нојуз хатти-ҳаракатлари жабрини тинч аҳоли тортмоқда.

ујимизни ўзимиз асрашимиз кераклиги ҳақида огоҳликка чақирамиз. Қўча-қўйда ёки бошқа жойда бирорта шубҳали киши ёки буюм учраса, бундан дарров катталарни огоҳ этишлари кераклигини тушунтираемиз. Нотўғри йўларга кириб қолганлар, адашганлар қисмати ҳақида-

ги фильмлар намоийиши ҳам болаларнинг дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Боладек ишонувчани бўлмайди. Айниқса, ўсири ёшидаги қизқон болаларнинг ҳаёт ҳақидаги тасавури бекордор бўлади. Уларни бу ёшдан ўтиб олгунча ота-

оналар ва биз, устозлар назорати сусайтирмаслигимиз керак. Шу йўл билан уларни ёт гоя ва оқимлар таъсиридан ҳимоя қиламиз.

Ўтмишда не-не қора кунлари бошидан кечирган она Ватанимиз Истиқлол шарофати билан энг тўғри йўлни танадди. Янада порлоқ келажакка элтувчи бу йўлдан бизни ҳеч ким, ҳеч қачон қайтаролмайди. Ёш авлодга ҳаммадан ҳам кўпроқ эътибор

қаратаётган давлатда яшаб, барча шароитларга эга илм даргоҳларида ўқиб, келажак сари дидил қадам қўяётган фарзандларимиз келгусида юрт равнақиға муносиб ҳўсса қўшадиған инсонлар бўлиб воғға етишлари шубҳасиз. Улар ҳамиша ҳўшёр туриб, юрт туғроқини кўз қорачиғидек асрайдилар.

Халима ИБРОҲИМОВА,
Бекобод шаҳридаги
2-мактаб раҳбари.

КЕКСАЛАР ДУОСИНИ ОЛАЙЛИК

Шу кунларда эрку озодлигимиз, бахту саодатимиз гарови – Истиқлол байрамини муносиб кутиб олиш нијати барчаннинг фикру ҳаёлини банд этган. Турли маънавий-маърифий тадбирлар, дилтортар учрашувлар, суҳбатлар қалбларга қувонч бахш этмоқда.

Виллоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси уюштираётган шундай тадбирлардан бири Бўстонлик тумани Искандар кишлоғида Кексаларни ёзозлаш йили муносабати ва Истиқлол байрами шарофати билан "Кексалар дуосини олайлик" шиори остида "Авлодлар учрашуви" мавзусида уюштирилди. Кекса отахон онахонлар, айниқса, 100 ёш билан юзлашиб, кўп йиллар

давомида биргаликда аҳил-инок, тинч-тотув ҳаёт кечириб, обрў-эътиборга эга бўлган хонадон эгаларининг иштироки тадбирга алоҳида фойз бағишлади. Уларга аталган эсдалик совгалари, байрам концерти барчани ҳушнуд этди.

Виллоятимизда истиқомат қилаётган 100 дан ошган 105 нафар кексаларимиз дориламон кунлардан миннатдор, доим ду-

ода. Зеро, улар "Қариси бор уйнинг париси бор", "Қариялар хонадонимиз файзи", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин", "Кексалар дуосини олайлик" дея ҳурмату ёзоз кўрсатаётган оқибатли инсонлар, ўғил-қиз, невара-чеваралар ардоғида.

"Кексаларни ёзозлаш йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбирда виллоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Ғафуровна иштирок этди.

Саида ИКРОМОВА,
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



Табрик



«БЕКОБОДЦЕМЕНТ» АЖ

барча юртдошларимизни

Ватанимиз Мустақиллигининг

24 йиллиги билан қутлайди.

Юртимизни тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари асло тарк этмасин! Халқимиз дастурхонидан тўкин-сочинлик аримасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин!



Тадбиркорлик

САВДОДА ҲАМ БАЛИҚ, ҲАМ ЧАВОҚ

Қибрайлик Алихон Тиллабоев раҳбарлик қилаётган балиқчилик ҳўжалиги шу йилнинг ўтган даврида савдога 4,5 тоннадан зиёд балиқ чиқарди.

— Фаолиятимизни 2009 йилда 2 гектарли сув ҳавзасида бошлаган эдик, — дейди ҳўжалик раҳбари. — Натижалар ёмон бўлмади. Шу тариқа ҳўжалигимиз балиқчиликка ихтисослаштирилди. Тармоқни янада ривожлантириш ва маҳсулотни кўпайтириш мақсадида 2011 йилга қелиб ҳавзамиз 6,6 гектарга етди. Йил охиригача истеъмолчиларга 12 тоннадан ортиқ парҳез-

боп маҳсулот етказиб беришни режалаштирганмиз. Илганувчан фермер бу натижалар билан чекланиб қолмади. Балиқчиликни ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири ҳовузларда соғлом ҳамда истиқболли балиқ сотларини боқиб ва кўпайтириш эканини эътиборга олиб, 1,6 гектар майдонда балиқнинг оналик ҳавзасини ташкил этиб,

ўз эҳтиёжларидан ташқари, қўшни туманлардаги ҳўжаликлар учун иқлим шароитимизга мос балиқ чавоқлари етказиб беришни йўлга қўйди. Шу кунгача бошқа балиқчилик ҳўжаликларига бир тоннадан ортиқ чавоқлар тарқатилди. Фермернинг келгусида бошқа тармоқларга ҳам қўл уриш, шунингдек, маҳсулот сотувини йўлга қўйиш мақсадида савдо шаҳобчалари очиб нияти бор.

Умида
ХИДОЯТХўЖАЕВА

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчининг манфаатларини ҳимоя қилиш, истеъмол бозорига сифатсиз, одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига зарар етказувчи яроқсиз товарлар ҳамда хизматлар кириб келишининг олдини олиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бўлашмаси "Истеъмолчиларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик назоратини ривожлантиришга қаратилган меъёрий-ҳўқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш, Заңготи тумани ИИБ № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Заңготи тумани, "Бест плюс сервис" х/к ҳудудига жойлашган:

1. 19-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 33 862 478 сум.
2. 20-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 30 822 992 сум.
3. 27-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 29 755 790 сум.
4. 29-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 29 924 981 сум.
5. 35-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 30 413 753 сум.
6. 38-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 30 478 070 сум.
7. 58-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 19 107 078 сум.
8. 64-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 24 267 359 сум.
9. 65-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 24 178 100 сум.

116 та таянч пунктлари фаолият юритмоқда. Уларнинг 84 таси бевосита маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган. Бирлашма ва ҳудудий жамиятларда ташкил этилган "Ишонч телефонлари" ҳар бир истеъмолчи ва фуқарога тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имконини бермоқда.

— Истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилишда кенг жамоатчилик иштироки ва назорати алоҳида аҳамият касб этади, — дейди вилоят ҳудудий бирлашма мутахассиси Л. Усмонова. — Чўнки ҳар биримиз истеъмолчи сифатида амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган ҳўқуқларимизни яхши билишимиз керак.

Бирлашма истеъмолчилар ҳўқуқларини ҳимоя қилиш

нинг таъсирчан тамойилларини ишлаб чиқишда давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйгани яхши самара бермоқда. Хўсусан, тадбирлар режасига мувофиқ, ҳудудларда ўқув юртлари ўқувчилари, ёзувчи ва шоирлар, кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектлари вақиллари, тадбиркор ва истеъмолчилар учун ўн бешдан ортиқ ўқув семинарлари ва учрашувлар ўтказилди. Барча шаҳар ва туман жамиятлари қошида "Ҳўқуқий маслаҳат марказлари" ташкил этилди. Натижада "Ишонч телефон"лари орқали тушган 141 та ариза ва мурожаатнинг 114 таси ижобий ҳал этиб берилди. Қолган аризалар белгиланган тартибда тегишли идора ва ташкилотлар билан ўрганилмоқда.

Юлдузхон
МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

МУСТАҚИЛЛИКНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

"Ўзбекивест" экспорт-импорт миллий сўғурта компанияси томонидан Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишлаб "Мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустақамлаш — муқаддас бурчимиз" деб номланган байрам тадбири ташкил этилди.

Унда Республика Маънавият тарғиботи маркази вақиллари, танкидчи ёзувчилар, театр актёрлари, санъаткорлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Мазкур байрамона тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ва халқимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар ҳусусида атрофлича сўз юритдилар.

Шунингдек, фан ва санъат арбоблари мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, эришилаётган ютуқлар, иқтисодий-сиёсий барқарорлик, умуман истиқлол шарофати билан Ўзбекистон халқи ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида қиёсий мисоллар билан тадбир иштирокчиларига баътафсил маълумот беришди.

Хўсусан, Ўзбекистон истиқ-

лол йилларида маънавий юксалиш соҳасида катта марраларга эришди. Бунинг сони ва рақамларда ифодалаш мўшкул албатта. Бўғунги муваффақиятлар замирида фидойий халқимизнинг ўзлигини англагани муҳассамлигини кўришимиз мўмкин. Ёшларимизнинг халққаро фан олимпиадалари, мусика ва санъат йўналишидаги нуфузли кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида юқори ўринларга сазовор бўлаётгани ҳам маънавиятга эътиборнинг, навқирон авлод вақилларида ўз кучи ва имкониятларига ишонч шакланганлигининг яққол намоёнидир.

Тадбир якунида шоир ва санъаткорларнинг Ватанини мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлари байрам иштирокчиларига янада кўтаринки кайфият бахш этди.

"Туркистон-пресс".

ОЛИЙ НЕЪМАТ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Бўстонлик тумани Бўрчмулла қишлоғида "Мустақиллик — энг улуг, энг олий неъмат!" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгаш депутатлари, партиянинг "Тарғиботчилар гуруҳи", сиёсатчилар, иқтисодчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат усталари иштирок этган тадбир "Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шiori остида Мустақилликнинг 24 йиллик байрамига бағишланди.

— Бу каби маданий-маърифий кеча ва учрашувлар, мулоқот ва давра суҳбатлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ташкил этилмоқда, — дейди вилоят партия кенгаши раҳбари Сирожиддин Аъзамов. — Озодлик ва ҳўрлик мустақиллик берган энг улуг, энг олий неъматдир.

Наргис ҲАСАНОВА.

Семинар

Пискент тумани Октепа курилиш ва миллий ҳўнармандчилик касб-ҳўнар коллежида хотин-қизлар қўмитаси, "Тадбиркор аёл" ассоциацияси туман бўлими ҳамда "Адолат" СДП туман кенгаши билан ҳамкорликда "Бетакорримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шiori остида семинар ўтказилди.

КўРГАЗМАДА БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

"Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, жумладан, касб-ҳўнар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, айниқса, қишлоқ жойларида оилавий бизнесни ривожлантириш учун шароитлар яратиш" мавзусида ташкил этилган семинарда коллеж битирувчилари, тадбиркор аёллар ва

тадбиркор бўлишни мақсад қилган ёшлар иштирок этди. Семинарда Агробанк ва Микрокредитбанк ходимлари кредит олиш истагида мурожаат қилган ёшларга кредит ва кафолат турлари, ташкилий-ҳўқуқий асослари, бизнес лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Тадбирдан олдин тадбиркор аёлларнинг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил

этилди. Кўргазмага қўйилган адрас матолар, торт ва пишириллар, миллий газламалардан тайёрланган сумка ва ҳамёнлар, кўрпа-ёстиқ жилдлари, зардўзлик маҳсулотлари ҳамда чинни идишлар йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Маҳсулотлар учун буюртмалар ҳам қабул қилинди.

Нозима
РАҲМАТОВА.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.



БИТИРУВЧИЛАРГА КРЕДИТЛАР

Қуйи Чирчик туманида бу йил 1220 ўқувчи касб-ҳўнар коллежларини тамомлади. Уларнинг кўпчилиги олдиндан тузилган уч томонлама

шартномаларга мувофиқ қорхона, ташкилот, тадбиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжаликларига ишга жойлашди.

Битирувчиларнинг яна бир гуруҳи ўз бизнесини ташкил этиб, тадбиркор бўлишни режалаштирмоқда. — Хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳўнар коллежини тамомладим, — дейди Муниса Абдуғаниева. — Энди шахсий бизнесимни юритиш мақсадида банкдан сарфатрошлик фаолиятини бошлаш учун 7,5 млн. сўм кредит

олимоқчиман. Бунинг учун барча ҳужжатларимни тайёрлаб, тақдим этдим. Шунингдек, автотранспорт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳўнар коллежи битирувчиси Неъмат Мирзақаримов ҳам чорвачилик билан шуғулланиш учун 5,5 млн. сўм кредит олишни режалаштирган. Унга ҳужжатларини тайёрлашда мутасадди таш-

килотлар амалий ёрдам кўрсатди. Яқинда туман марказида ҳокимлик ва тегишли идоралар вақиллари иштирокида ташкил этилган тадбирда банкдан кредит олишни режалаштирган битирувчи тадбиркорларнинг яна бир гуруҳига керакли маслаҳат, тавсия ва амалий ёрдам берилди.

Юлдуз ИСАЕВА.

Олов — тилсиз ёв

ЁНГҒИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҲАММА МАСЪУЛ

Республикамизда узокни кўзлаб амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган намунали уй-жойлар тўғрисида юртимиз янада кўркам ва обод бўлиб бораёпти.

Бирок, ёнғин хавфсизлиги қондаларига энд холда қурилатган бино ва иншоотлар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳол кўпроқ уй-жой мулкдорларига қарашли кўп қаватли уйларда, уларнинг тевааратрофлари ва йўлларига учраёпти. Бундан ташқари, фуқаролар ўзбошимчилик билан кўп қаватли уйлар атрофида томорка майдонлари очиб, йўл бошларига темир қозилар, бах баллоплари ва бошқа сунъий тўсиқлар қўйиб, хонадонлари олди

кичик омборхоналар қуриб, лойиҳага ўзгартиришлар киритишяпти. Натижада, кўп қаватли уйларда фавқулодда ҳодалар юз берганда, ёнғин содир бўлганда тўсиқлар тўғрисида ўқитиш машиналарининг ҳаракатлини ва сув манбаларига улаштириш қийин бўлаёпти.

Бундай нуқсонларни бар-тараф этиш мақсадида Бектемир тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими коммунал хизмат ташкилотлари, туман

муҳандислик хизматлари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари ва суҳбатлар уюштирмоқда. Зеро, давлатимизнинг иқтисодий тараққиётида халқ мулкнинг ёнғиндан муҳофазаси қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш муҳим омил ҳисобланади. Шундай экан, нафақат ҳўқуқни муҳофазаси қилиш ҳодимлари, балки ҳар бир фуқаро бу хайрли ишларда фаол иштирок этиши ва ўзини масъул деб билиши лозим.

Бекзод ПИРМАТОВ,
Мирзо Улуғбек тумани
ЕХБ инспектори.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги қўчмас мулклар тақдоран қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Заңготи тумани СИБ томонидан № 11381/24-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Заңготи тумани, "Бест плюс сервис" х/к ҳудудига жойлашган:

- 19-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 33 862 478 сум.
- 20-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 30 822 992 сум.
- 27-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 29 755 790 сум.
- 29-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 29 924 981 сум.
- 35-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 30 413 753 сум.
- 38-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 30 478 070 сум.
- 58-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 19 107 078 сум.
- 64-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 24 267 359 сум.
- 65-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 24 178 100 сум.

10. 66-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 24 847 544 сум.
11. 31-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 34 115 359 сум.
12. 69-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 23 519 848 сум.
13. 84-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 24 893 029 сум.
14. 46-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 191 684 535 сум.
15. 56-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 28 740 600 сум.
16. 95-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 58 468 024 сум.
17. 96-сонли савдо дўкони. Бошланғич нархи: 80 389 713 сум.
Аукцион савдоси 2015 йил 16 сентябрь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро қўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилиари бўлими вақиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мўмкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талаб-

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 25 августдаги қарорига асосан дам олиш кўни қўйирилганлигини инобатга олиб, 2015 йил 31 август кўни 11:00 да "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан очик аукцион савдолари ўтказилиши белгиланган Тошкент вилояти, Заңготи тумани, Эшонгузар қўргўни, Мустақиллик қўчаси, 39-уй манзилида жойлашган "Semurg-shifo sanatoriysi" Давлат қорхонасининг аукцион савдоси 2015 йил 2 сентябрь кўни соат 11:00 да ўтказилиши маълум қиламиз.

Аризаларни қабул қилиш билдиришномасида кўрсатилган аукцион савдоси ўтказилаётган кўни савдо бошланишидан ўч соат олдин тамом бўлади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамчи-1 қўчаси, 1-А уй. Тел/факс: 228-80-23. Лицензия: RR-0001.

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тақдорий аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар Бектемир тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Ҳўжалик сўғурти 3.03.2015 йилдаги 10-1510/394-сонли ижро, варақасига асосан, бошланғич нархи - 550 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Охандорон шўхқўчаси, 154-155-169-170-уй манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 331,13 га м., яшаш майдони 163,39 га м. дан иборат бўлган "тураржой"; 2) Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан Жинот ишлари бўлими Юнусов тумани сўғурти 21.08.2013 йилдаги 403/13-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган; бошланғич нархи - 421 439 454 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Заңготи тумани, Ойбек қўчасида жойлашган умумий майдони 1,84 га бўлган (бино ва иншоотлар 0001 литердан 0003 литергача, 0004 литердан 00069 литергача қурилиш тўғрисидаги қўчмас маълумотлардан иборат) "Бошлар спорт-соғломлаштириш маълумоти"; 3) Бошланғич нархи - 2 024 940 896 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Олтин Водий 2-берк қўчаси, 59-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 19992 кв.м. бўлган (0001 литердан 0013 литергача бино ва иншоотлар, шундан 0003, 0007, 0009, 0011, 0012, 0013 литердан иборат қурилушлар ҳўжжасига) "нотуражой биноси"; 4) 09.12.2013 йилдаги №20340/15-сонли ижро ҳўжжасига асосан; бошланғич нархи - 228 457 682 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Тақсир қўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.м., қурилиш остидаги майдон 359,44 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 159,89 кв.м., яшаш майдони 126,12 кв.м. бўлган 7 та яшаш хонадон иборат тураржой (хўвали); 5) 23.08.2013 йилдаги №2-88-13-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи - 127 300 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Шайхон-

тоҳур тумани, Чилонзор Октепа (собиқ Ёсенин) қўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,73 кв.м., яшаш майдони 41,23 кв.м. 3 та яшаш хонадон иборат бўлган 6-хонадон "тураржой"; 6) Тошкент шаҳар Чилонзор тумани СИБ томонидан 16.06.2014 йилдаги 30210/18-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи - 249 673 374 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Таштөбес 2-маъмаси, 3-В уйда жойлашган, умумий майдони 387,0 кв.м. дан иборат "савдо дўкони" қўйилмоқда. Тақдорий аукцион савдоси 2015 йилнинг 15 сентябрь кўни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мўлк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклалт пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТБЕ "Илпоке банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931835001 хўсб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиари бўлимининг вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мўмкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжжатлар расмий иш кўнаклар соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳўжжатлар қабул қилиш қимйосида ўтказилишига бир иш кўни қўчанда соат 17:00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний қўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

Табрик



«МАҲАМ-СИРСИҚ» АЖ

барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг
24 йиллик байрами
билан табриклайди!

Ҳар бир хонадонга
тинчлик-тотувлик,
бахт-саодат ёр бўлсин!
Дастурхонимиздан
файз-барака аримасин!
Қутлуғ байрам шодликлари
йилларга татиб, ҳурлигу
фаровонлик барқарор давом этсин.

БИР КУНЛИК САЁҲАТ ЗАВҚИ

Ўтмишсиз келажак йўқ дейишади. Ҳақиқатан ҳам, тарихимизни қанчалик чуқур ўргансак, маънавиятимиз шунчалик бойида. Ёшларнинг тарихий қадам-жоларга саёҳатлари ҳам айнан шунга хизмат қилади.

Куни кеча вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят "Олтин мерос" жамғармаси, касаб-ушмалари бирлашма-

си кенгаши ҳамкорлигида иқтидорли ва фаол ёшлар ҳамда "Камалак" ташкилоти сардорлар кенгаши аъзоларининг вилоятимизда тарихий қадамжолар



Ёш истеъдодлар

га саёҳати ташкил этилди. Зангиота зиёратгоҳи ва қишлоқда амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бирорта ёшни бефарқ қолдирмади. Улар давлатимизнинг тарихий ёдгорликларимизни асраб-авайлаш, таъмирлаш ишларига бундай эътиборидан мамнун бўлдилар. Саёҳатчилар Зангиота зиёратгоҳи тарихи билан танишдилар, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, Амир Темури қурдирган мақбаранинг асрлар ўтсада, ҳамон мустаҳкам турганини ўз кўзлари билан кўриб, уни бунёд этган меъморларнинг маҳорати-га қўйил қолдилар.

Шу куни ёшлар Оқўрғон туманидаги Шохруҳия зиёратгоҳида ҳам бўлишди.

Нозима РАҲИМОВА,
Мансур НАҲАЛОВ
олган сурат.

ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ЛАУРЕАТИ

Бразилияда кўз шифокори қабулига келган 60 беморнинг 30 нафарига мусиқа тинглаш тавсия этилган. Шундан сўнг уларнинг кўриш қobiliяти яхшилانган.

Дарҳақиқат, мусиқа инсон онгу тафаккурига, руҳият ва соғлиғига ижобий таъсир кўрсатади. Мусиқага меҳр қўйиш, у билан сидқидилдан шугулланиш эса инсоннинг дунёқараши кенглигидан, маънавияти юксаклигидан далолат беради.

Уч ёшимдан гитара чала бошлаганман, — дейди бўстонликлик Равшан Собириддинов. — Мусиқага қизиқишимни кўрган ота-онам Чирчикдаги 15-Болалар мусиқа ва санъат мактабига беришди. Ҳозир эстрада хонандалиги йўналишида таҳсил оляпман. Ростини айтсам, мусиқа тинглаб, завқ оламан. Ўзимни бошқа оламга тушиб қолгандек ҳис қиламан.

Ёш бўлишимга қарамай, Равшанжон кўлга киритаётган ютуқлар айтишга аризиғулик. У бу йил Туркия-

нинг Анталия шаҳрида ўтказилган "Куёшли уй Туркия" II халқаро танловда муваффақиятли иштирок этиб, 10 ёшлилар ўртасида вокал бўйича лауреат бўлди. Шунингдек, унга "Артистик маҳорати учун" дипломи топширилди.



Ушбу халқаро танловда Россия, Беларус, Қозоғистон, Туркия давлатларидан 250 мусиқа ихлосмандлари иштирок этди.

— Муваффақиятларимда устозим Улугбек Ахорбековнинг хизматлари катта, — дейди Равшанжон. — Бунинг учун уларга миннатдорчилик билдираман.

Ирода НОРБОВЕВА,
Даврон АХМАД
олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК МАДҲИ

Зангиота тумани ҳокимининг иқтидорли ўқувчи-ёшларни қўллаб-қувватлаш, янги қobiliят эгаларини кашф этиш, уларни рағбатлантириш ташаббуси билан август ойининг бир ҳафтасида туман миқёсида ўқувчилар ўртасида асфальтга расм чизиш мусобақаси ўтказилди, кейингисидан эса лицей ва коллеж ўқувчиларининг "Мустақиллик рақслари" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Бу сафарги шеърят ва кўшиқ кечасига эса туман мактабларида ўтказилган беллашувнинг 24 ғолиби келди. Ўқувчиларнинг она Ватани, мустақиллики мадҳ этувчи жозибали шеър

ва кўшиқлари томошабинларга манзур бўлди. Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир энг фаол ўқувчига ўз китобини туҳфа этди.

Фарангиз ЗОКИРОВА.

Бу қизик

Нотани билмаган ижрочи

Нотани билмасдан ҳам классик куй-қўшиқлар ижроси бўлиш мумкинлигини биласизми? Албатта, бу замонавий мусиқа оламидаги гайриоддий ҳолат. Ушбу гайриоддийликнинг энг машҳур намо-яндаси Лучано Павароттидир.

Қанақа сут билан озиқлангансиз?

Педиатрларнинг фикрича, она сuti билан озиқланиб ўсган болалар сунъий равишда озиқланиб ўсганлардан фарқлича, кўкракдан ажрагач, ҳар қандай емакни иштаха билан қабул қилишади. Бунинг сабаби она сutiда турли, сунъийда ҳаммаша бир хил таъминнинг бўлишидир.

12 миллиарддан ортиқши мумкин

Олимплар ер сайёрасининг демографик ҳолати бўйича башоратларни кўриб чиқишди. Вашингтон университети ва БМТнинг махсус тадқиқотлар натижаларига кўра, 80 фоиз тахмин билан, 2100 йилга келиб, ер аҳолисининг сони 9,6 дан 12,3 млрд. кишини ташкил қилиши мумкин, деб ёзади Science журнали.

Рассом хандаси



— Тренажерим рафиқамдан бўшамаяпти...



АЙБДОРЛАР ХИБСА ОЛИНДИ

"Синхуа" агентлиги таркатган хабарда келтирилишича, Хитойнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари Тяньцзин шаҳрида зонасида кетма-кет рўй берган портлашлар юзасидан очилган жиноят иши бўйича 12 кишини хибсга олдилар.

Орган амалдорларининг таъкидлашларига кўра, қамоққа олинганлар орасида кимёвий воситалар сакланаётган омборхонага тегишли логистик компания директори ҳам бор. Шунингдек, 12 кишидан иборат айбдорлар рўйхатида қорхона раиси ўринбосари ҳамда уч нафар топ-менеджерлар ҳам киритилган. Агентлигининг хабарига

ТўРТ ҲАВВОС ЙЎҚОЛДИ

Индонезиянинг Шарқий Калимантан вилоятида қарийб икки ҳафта илгари бедарак йўқолган тўрт нафар чет эллик ғаввосларни қидириш тўхтатилди. РИА Новости агентлигининг езикича, уч италиялик ва бир белгиялик ғаввослар Дераван архелагидаги Сангалаки оролида сув остига шўнганларидан сўнг белгиланган жойга келмадилар. Уларни қидириш ва қутқариш ишларида иккита ҳарбий вертолёт, битта шатакчи денгиз кемаси ва 10 та катер иштирок этди. Қутқариш ишларининг

учинчи куни қидирув зонаси 25 миля кенгайтирилди. Бирок, шунда ҳам ғаввосларнинг нима сабабдан йўқолиб қолганларидан дарак берувчи ҳеч қандай белги топилмади.

ҲИНДИСТОННИНГ БЕШИНЧИ АЛОҚА ЙЎЛДОШИ

Ҳиндистон GSAT-6 русумли бешинчи коммуникацион алоқа сунъий йўлдошини учуриши тўғрисида хабар таркатди РИА Новости. Ушбу сунъий йўлдошни маҳаллий шароитда тайёрланган криоген двигателли ракета ташувчи космосга олиб чиқади. У Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти ишлаб чиққан ва барпо этган 25-геостационар йўлдошидир. Аппарат 6 метрли S-диапазон диаметри антеннага эга. Бу энг катта сунъий йўлдош антеннасида. GSAT-6 орбитага чиқиб олгач, Ҳиндистоннинг у ерда фаолият юритаётган геостационар йўлдошлари гуруҳига қўшилилади.

МУҲОЖИРЛАР ҚУТҚАРИЛДИ

Сицилия бўғозида денгиз ҳалокати учраган уч мингдан зиёд ноқонуний муҳожирлар қутқариб қолингани ҳақида хабар таркатди ТАСС. Маълумотларда келтирилишича, муҳожирлар сузиб бораётган кемалардан бирининг трюмида 50 кишининг жасади топилди. Аниқлик киритилишича, улар мотор ишдан чиққан сўнг ҳосил бўлган ис газли теширида ҳалок бўлишган. Кема ағалари одатда қам ҳақ тўлаган қочқор муҳожирларни трюмга жойлаштириб, устиларидан қўлғаб қўйишади. Мамлакат қирғоқ кўриқлаш хизмати вакиллари-нинг айтишича, бу сафар қочқор муҳожирлар рекорд даражада кўп бўлган. Қутқарилганлар мамлакатнинг жанубий бандаргоҳларига келтирилиб, сўнг-ра турли вилоятлардаги вақтинча қабул қилиш марказларига жўнатилади.

ВИЦЕ-ПРЕМЬЕР ОЗОДЛИКДА

Югославия ҳукумати расийнинг собиқ ўринбосари Никола Шайнович 18 йиллик қамоқ муддатининг 12 йилини ўтаганидан сўнг озодликка чиққани ҳақида хабар таркатди РИА Новости. Маълумки, Н. Шайнович инсониятга қарши жиноятчиликда, шунингдек, 1999 йил 1 январдан 20 июнга-ча бўлган даврда Косовода давом этган уруш қонуларини бузганликда айбдор деб топилган. Ушбу сиеасати 2002 йилда қўлга олинди, 22 йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинган, апелляциядан сўнг эса қамоқ муддати 18 йилга туширилиб (2009), жазони Швеция мамлакатидан ўтаётган эди. У умумий жазо — 18 йилнинг учдан икки қисмини, яъни 12 йиллик муддатини ўтаб бўлганидан сўнг адвокатларнинг илтимосига кўра, озодликка чиқарилади.

Газетанинг навбатдаги сони 1 сентябрь сешанба куни чиқади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Маъзалими:

100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.

e-mail:

th.tp@mail.ru

Қабулхона:

Бўлим муҳаррирлари ва
муҳбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08,
233-56-03, 233-65-59,
233-54-10.Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақам билан
рўйхатга олинган.Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Ирода НОРБОВЕВА

Навбатчи

Нозима АРСЛОНОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАҲМУДУДЖАЕВ